



SMARTPARKINGUZ – МАНФААТЛИ ТАКЛИФЛАР АСОСИДА, АВТОТУРАРГОХЛАР МУАММОСИННИНГ ИННОВАЦИОН ЕЧИМИ

Тимурбек ОРЗИЕВ

SMARTPARKINGUZ лойиҳаси асосчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6645035>

АННОТАЦИЯ: SMARTPARKINGUZ лойиҳасида автомобиль табий таъсирлардан ҳимояланган, мобиль илова орқали олдиндан жой буюртма қилиш имкони, 2 томонлама арzon сервис хизмати мавжуд.


Калит сўз: автомобиль парковка, вақт, пул, техника хавфсизлиги.

Хозир XXI аср. Ўзгаришлар, имкониятлар, ривожланиш ҳам шунга мос бўлмоғи лозим. Ҳамма соҳада ўсиш суръати тез. Буни юртимиз кўчаларидағи автомобиллар ҳаракатидан ҳам сезиш мумкин. Кимдир ишга, кимдир ўқишига бориш учун автомобилдан албатта фойдаланади. Айнан ўз ишингизга шошаётган фурсат йўлдаги тирбандлик, ноқулайлик албатта ҳайдовчи кайфиятига, йўловчилар норозилигига сабаб бўлади. Бозорлар, банклар, турли ташкилотлар жойлашган кўчаларда йўлнинг икки тарафи тўлиқ бир қатордан автомобиль турагоҳи бўлиб қолган. Бу йўл ҳаракати хавфсизлигига ҳам таъсир қиласди. Чунки қатновга таъсири билан бирга, автомобиль учун ҳам хавфли. Чунки унинг хавфсизлиги таъминланмаган. Бунинг қандайдир ечими бўлиши керак. Мен кўпдан буён бу масалага ечим топиш учун изландим.

Барча шаҳарларда жадаллашиб бораётган автомобиль парковкаларни муаммосини бартараф этиш мақсадида, муаммонинг инновацион ечимини излаб, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиб чиқдим. Ушбу муаммони бартараф этиш усули вертикал тартибда ишловчи механик Ротор парковкалардан фойдаланиш ҳозирда энг самарали усуллардан бўлганлиги эътиборимни тортди. Шундан келиб чиқиб, республикамиз миқёсида ушбу турдаги вертикал парковкаларни оммалаштириш бўйича бу лойиҳа ишлаб чиқилди.



У SMARTPARKINGUZ деб номланади. Тан олиш керак, автотураргоҳлар муаммоси бор. Бу ўз навбатида ер майдонларининг етишмаслиги, ҳайдовчилар учун нокулайликларни келтириб чиқаради. Автомобиль – бу мулк. Автомобиль эгалари уни йиллаб йиққан даромади эвазига олади. Қиймати бор. Қийматга эга ҳар бир мулкнинг албатта хавфсизлиги таъминланган бўлиши керак. Буни ҳар бир мулкдор истайди. Аммо хоҳишлар имконга мосми? Энди имконият ҳақида. Оддий автотураргоҳ ёки йўл четига қўйилган 8 та автомобиль учун 100 м² жой кетса, SMARTPARKINGUZ лойиҳаси асосида 38 м² жойга 12 та автомобиль жойлашади. Қандай қилиб дейсизми?



Юқори самарадорлик 12 автомобиль учун мўлжалланган 150 м² ўрнига қўшма конструкциялар билан 45 м² жой эгаллайди.

Биринчи суратдаги вертикал парковка ротор парковка, деб аталади.

Эслатиб ўтамиз, ротор парковкалар ишлаб чиқарувчи давлатлар: АҚШ, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Бразилия, БАА.

Парковкадан қуриш ишлари катта маблағ талаб қилганлиги боис вертикал парковкаларни ўрнатиб, фойдаланишда тадбиркорлар ва инвесторларда қизиқишият майдиди. Аммо яхшилаб эътибор берилса, унинг самарадорлиги юқори. Унинг



атрофига реклама жойлаштирилса, бу ҳам қўшимча даромад. Келинг, рақамларга тўхтасак, парковка тўлови соатига 1000 сўм. Реклама учун ойига 360 та тадбиркор билан 400.000 сўмлик шартнома имзоланса 144.000.000 сўм.

Лойиҳа 100 % режимда ишлаганда умумий даромад ойига 151 500 000 миллион сўм.

Лойиҳада рекламадан олинадиган пул асосий даромад манбаи ҳисобланади. Реклама тарифлари жуда арzon нарҳда ишлаб чиқилган. Бу ўз навбатида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари учун ўз маҳсулотлари ва брендларини арzon нархларда шаҳарлар марказларида реклама қилиш имконини яратади.

Амалга оширишнинг умумий муддати 1 йил. Бундан 1 ой лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишига, яна бир ой тарғибот ишларига, инвесторлар жалб қилишга 3 ой, лойиҳанинг қурилиш-монтаж ишларига 7 ой вақт кетади. Жами 12 ой 1 та лотни амалга ошириш учун белгиланган.

Лойиҳани молиялаштириш ҳам ишлаб чиқилган. Лойиҳага бир нечта маҳаллий инвесторлар жалб қилинади. Қизиқиш билдирган инвесторлар билан келишув шартномалари имзоланади ҳамда актив шакллантирилади.

Молиялаштиришда сармоя киритувчилар асосий даромад эгаси ҳисобланади.

SMARTPARKINGUZ лойиҳасининг устунлиги шундаки, автомобиль табиий таъсиrlардан ҳимояланган, мобиль илова орқали олдиндан жой буюртма қилиш имкони, 2 томонлама арzon сервис хизмати мавжуд.

Республика миқёсида лойиҳани кенг кўламда амалга ошириш орқали эришиладиган натижаларни кўриб чиқсан:

- автотурагоҳлар учун мўлжалланган ер майдонларини иқтисод қилиш;
- кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари учун арzon реклама хизмати ва уларнинг бизнес брендларини ривожлантиришга қўмаклашиш;

YOSH TADQIQOTCHI JURNALI



2nd Sun


-қулай инвестицион маркетинг ҳамда янгича ёндашув.

SMARTPARKINGUZ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигидан рўйхатдан ўтган.

Интернет тармоқларда SMARTPARKINGUZ номи рўйхатдан ўтказганлик рухсатномасига эга.

Лойиха асосчиси: Тимурбек Орзиев.

E-mail: timurbekkorziyev@mail.ru



T/me: [@TamerlanLLC](https://t.me/TamerlanLLC)

Veb-sayt: <https://smartparkinguz.netlify.app/>

Ҳамма соҳада инсон учун қулайлик яратилаётган даврда дунё билан ҳамнафас бўлиш, инсон учун қулайликлар яратиш замон талабидир. Шундан келиб чиқиб, лойиҳамиз асосида катта мақсадлар режа қилинган. Юртимиизда замонавий ротор парковкалар қуриш, улардан фойдаланиш қулайликлари давр талаблари даражасида эканлигига эришиш. Ҳар бир мулқдор ўз мулки хавфсиз бўлишини истайди. Ҳатто қуёш нури ҳам ўз таъсирини вақт ўтиб кўрсатади. Демак замон билан ҳамнафаслик давр талаби. Ортиқча тирбандликларнинг олдини олиш, автомобиль ҳаракатланишида сунъий тўсиқларнинг олдини олиш албатта вақтни тежаш, ҳайдовчилар ва йўловчилар кайфиятини кўтаради. Бу ҳар тарафлама шаҳар тараққиётига хизмат қиласи. Тадбиркор бизнесига, автомобиль тураргоҳ манхилига шундоқ қўл телефонини олиб манзилни, жойни аниқлаб, ўз ишида давом этиш. Ҳаммаси замонавий. Тезкорлик, сифат, хизмат кафолатланган.

SMARTPARKINGUZ бир сўз билан айтганда, манфаатли таклифлар асосида, автотураргоҳлар муаммосининг инновацион ечимиdir, тадбиркорлар фаолиятига яқин кўмакчиidir.